
Фарғона вилоятида 2021 йилнинг олти ойлиги якунларига бағишланган зоом орқали фаоллар йиғилиши ўтказилди

Туман студиясида туман ҳокими бошлиқ сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, ташкилот, муассаса, жамоат ташкилотлари бошлиқлари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Маърузада хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича Ёзёвон туманига танқидий фикр билдирилганди. Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов Ёзёвонга инвестициялар жалб қилиш, иш ўринлари ташкил этиш, экспорт бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича атрофлича маълумот берди.

Вилоят ҳокими биринчи ўринбосари томонидан сектор раҳбарлари ва ҳоким ўринбосарларининг 14 та кўрсаткич бўйича паст рейтинг бал олганлар рўйхати ўқиб берилди.

Фаоллар йиғилишидан сўнг туман ҳокими Д. Джалилов тилга олинган танқид ва камчиликларга йўл қўйган мутасаддилар ишига баҳо берилишини таъкидлади.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-08-10 18:34:39